

НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК!



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 20 март, чоршанба № 45 (1262)

БЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

Дам олиш кунини 2002 йил 24 март
якшанба кунидан 22 март жума
кунига кўчириш тўғрисида

Наврўз байрамини нишонлаш муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Дам олиш куни 2002 йил 24 март якшанбадан 22 март жумага кўчирилсин.
Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2002 йил 19 март

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, мулкчилик шаклларида қатъий назар қорхоналар ва ташкилотлар ходимларига иш ҳақи ўз вақтида тўлиқ тўланиши учун ҳужжатли юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2002 йил 1 апрелдан бошлаб мулкчилик шаклларида қатъий назар қорхоналар ва ташкилотларнинг иш ҳақини товарлар билан натура шаклида тўлаши тақиқлансин, қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилган ва қайта ишланган, ходимларнинг ёзма ариза-сизига кўра шартномавий нархларда берилмаган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари бундан мустасно.

2. Тижорат банклари тегишли кафолат билан, шу жумладан юқори ликвидли мол-мулк гарови асосида (шу жумладан қорхоналар ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектлари, транспорт воситалари ҳамда бошқа ликвидли активлари) иш ҳақи тўлаш учун ҳўжалик юритувчи субъектларга

кредитлар берсинлар. Белгилансинки, кўрсатиб ўтилган кредитлар ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулк, қарз олувчининг розилигидан қатъий назар, кейинчалик белгиланган тартибда уни сотиш ҳуқуқи билан тижорат банкининг мулкига ўтади; тегишли равишда банкоматлар тармоғини кўпайтириш ҳолда электрон пластик карточкалар воситасида иш ҳақи тўлашга доир банк хизматлари ҳажминини кенгайтирсинлар.

3. Белгилансинки, вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, мулкчилик шаклларида қатъий назар қорхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари ходимларга иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун шахсан жавоб берадилар. Ҳўжалик бирлашмалари,

мулкчилик шаклларида қатъий назар ҳўжалик ҳисобидаги қорхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари:

меҳнатга ҳақ тўлаш тариф сеткаларининг рағбатлантирувчи ролини ошириши, меҳнатга ҳақ тўлаш жағма-масининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф сеткаларини бир ой муддатда қайта кўриб чиқсинлар; ҳар бир ходимни тегишли даврда унга тўланадиган иш ҳақининг таркибий қисмлари, ушлаб қолинган пул миқдорлар ва унинг асослари, шунингдек тўланадиган умумий пул суммаси тўғрисида мажбурий тартибда ёзма шаклда хабардор қилсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг иш ҳақини ўз вақтида тўлашини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибга риоя қилиши устидан назоратни кучайтирсин ҳамда иш ҳақи

бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлар ҳосил бўлган ҳолларда айбдор шахсларни жиноий жазолашга жавобгарликка тортсин.

5. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига, касаба уюшмаларининг тармоқ кенгашларига вазирликлар ва идоралар билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солишда ва у ўз вақтида тўланишини таъминлашда жамоа шартномаларининг, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа норматив ҳужжатларининг ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш тавсия этилсин, чора-тадбирларда иш ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги учун иш беворчиликнинг моддий жавобгарлиги чоралари назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
Тошкент шаҳри,
2002 йил 19 март

Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги, шунингдек иш ҳақи ўз вақтида тўланиши таъминланмаганлиги ёхуд иш ҳақи таққиланган шаклда тўланганлиги учун вазирликлар, идоралар, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва тижорат банклари раҳбарларининг жавобгарлигини, шу жумладан моддий жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутувчи тақлифларни киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қарор талабларига мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажонов зиммасига юклансин.

И.КАРИМОВ

ХАЛҚАРО КУРАШ АССОЦИАЦИЯСИ ФАХРИЙ ПРЕЗИДЕНТИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент жаноблари,
Бу тарихий чемпионат баҳонаси ила, биз, панамерикаликлар 3500 йилдан зиёд тарихга эга кураш билан, кураш орқали унинг ватани бўлмиш Ўзбекистоннинг ўтмиши, маданияти ва бугунги куни билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдик.

Биз кураш аталмиш халқаро оиланинг аъзолари сифатида доимо Сизнинг халқаро майдондаги фаолиятингизни кузатиб борамиз. Сиз юритаётган тинчликпарварлик сиёсати барча миллатларга ва сиёсий низооларни барҳам топтиришда ўрнатқилган сабоқдир, деб ҳисоблаймиз. Афғонистон мисолида бу фикр ўзининг ёрқин исботини топди.

Шимоллий ва Жанубий Американинг АҚШ, Канада, Бразилия, Чили, Доминикан Республикаси, Парагвай, Уругвай, Перу, Боливия каби мамлакатлари, Американинг бошқа давлатлари вакиллари иштирокида кураш бўйича биринчи тарихий панамерика чемпионатининг муваффақиятли ўтказилгани кураш нафақат бизнинг қўйамизда, балки бутун дунёда мислсиз шиддат билан ривожланиб бораётганини кўрсатади. Бу фақат кураш ватани бўлмиш Ўзбекистоннинг эмас, ҳақонга спортнинг янги турини тақдим этган бутун Осиё қитъасининг буюк ютуғидир.

Ўзбекистон билан Американи ўн минглаб километрлик масофа ажратиб турган бўлишига қарамай, курашнинг халқаро миқёсдаги ривожига ўзига хос ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз.

Биз, кураш XXI асрда дунёдаги энг оммавий ва кенг тараққий этган спорт турларидан бири бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. У спортнинг яқин йилларда Олимпия ўйинлари сафидан жой олишига лойиқ бўлган туридир.

Курашни Олимпия ўйинлари дастурига киритиш - умумий мақсадимиз. Сизнинг доно маслаҳатларингизга таяниб, бу оғир ва машаққатли, лекин айна вақтда шарафли тарихий ишда муваффақият қозониш учун куч-ғайратимизни аямаймиз.

Кураш бўйича биринчи тарихий панамерика чемпионатининг иштирокчи ва ташкилотчилари Сизга ва халқингизга фаровонлик, мусофҳо осмон, равнақ ҳамда кураш бутун дунёда муваффақият қозонишини тилайди.

Кураш бўйича биринчи тарихий панамерика чемпионатининг иштирокчи ва ташкилотлари номидан,

Эдгар КЛАУРЕ,
Панамерика кураш конфедерацияси президенти, Боливия кураш федерацияси президенти
Ла-Пас шаҳри, Боливия

ЎРИК ГУЛЛАГАНДА

Наврўз асрларни асрларга, элларни элларга боғловчи табиат ва жамиятга дахлдор байрам. Элдощларимиз шунинг учун ҳам унга ўзгача ихлос билан қарашади. Жилвон чўли этакларида жойлашган бизнинг Болтақора қишлоғида яхши бир одат бор. Шу кун ишар бир ота-она ўз фарзандлари номига биттадан мевали дарахт ўтказилади. «Қозон тўлди» маросимини ўтказиб, тансиқ таомлар пишириб, бир-бирларига улашади.

Бир неча йил муқаддам, истиқлол туфайли Наврўз оммавий байрам қилинган кунда яхши ният билан боғимизда ўн тул турфа хил мевали дарахт ва 50 тул терак аққан эдим; Мевалар ҳосилга кирди, улар пишганда ҳамқишлоқларимизга саховат рамзи сифатида узатаман. Тераклар эса улкан дарахтларга айланди. Утган йили уларни кесиб, иморат қилдик. Бу ҳам Наврўзнинг саховатидан.

Доноларнинг айтишича, қиш бўйи Ер тиловат айтиб ётаркан. Эрта баҳорда унинг тиловати рамзи сифатида Оллоҳ уни қайта яшнатиб, қайта яшартирар экан.

Ҳаётимда ҳамisha ерга ва меҳнаткаш кўлларимга ишониб яшадим. Ерга меҳримни бериб кам бўлганим йўқ. 6 нафар фарзандимни ҳалол ризқ билан боқдим, ўқитдим, уйли-жойли қилдим. Минг қатла шуқрки, бугун баридан кўнглим тўқ. Шогирдларим ҳам камолот ёшида, уларнинг кўркам уй-жойлари, жаннатмақом боғ-роғларига боқиб, меҳнатим бесамар кетмаганидан қувонаман. Нега деганингизда, 40 йил Саъдулла Назаров номли мактабда биология фанидан уларга сабоқ бериб, меҳнат таълими дарсларида ер илмини, деҳқончиликни ўргатганман. Жилвон массивидан 10 гектар ер олиб, ўқувчиларнинг бўш пайтларидан уларнинг кучи билан чўлини ўзлаштириб, қатта боғу чорбоғ ташкил этганмиз. 1000 тул чинор ўтказганмиз, Ҳозир «Мингчинор» кўркам шаҳарчага айланган. Янги турар-жойлар, раво йўллар, мактабу боғчалар, маъмурий ва маиший бинолар унинг ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. «Мингчинор» санаторийида эса қарияларимиз соғлиқларини тиклашмоқда.

Айни кунда нафақаданман. Аммо ҳаётимнинг бирор лаҳзасини меҳнатсиз ўтказолмайман. Ҳамон ўзим кетмон чолиб, боққа қарайман. Мақтаниш демангу ўғлим Усмонов билан иккалаамизнинг 20 сотих ери-мизда 400 тулдан ортик турли хил мевали дарахтлар бор. Нақшин, қизил олма дейсизми, Самарқанд гилоси дейсизми, ёнғоғу анжир, шотуту балхи тут дейсизми... Ўзбекистонда ўсадиган барча мевалардан бор. Шунинг учун қишин-ёзин дастурхонимиз тўкин, рўзгоримиз бут, болаларимиз соғлом. Фарзандларим Моҳира, Саодат, Умар, Муҳаррамаларга ҳам ўзим бош бўлиб боз барпо қилиб берганман.

Мана бугун Наврўз кунинда томорқамиздаги ўрик, бодомлар гулга кирган, гилосу шафтоли гунча очган, хуллас, боғимиз гўзалликка бурканган. Одатдагидек бу йилги байрамда ҳам ҳамқишлоқларимни боғимда ўстирган нобб мева кўчатлари билан қўлгаддим. Насиб бўлса, икки-уч йил ўтмай улар ҳосилга қиради.

Азиз юртдошлар, байрам баҳона сизларга кўнглимни очай. Наврўз ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш айёми экан, ҳар биримиз яхши ният билан, шу улғу шодиёна кунни ўз қўлимиз билан ҳеч бўлмаганда бир-иккитадан кўчат ўтказайлик.

Файзулла ИНОЯТОВ,
меҳнат фахрийси.



Халқимизнинг азалий байрамларидан бири — Наврўзи оламни тантанали нишонлаш мақсадида Республикаимизнинг барча туманлари ва шаҳарларида, ҳар бир қорхона, ташкилот ва муассасаларда ўзига хос тадбирлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда тармоқ Марказий кўмиталарида ҳам бу улғу айёмга тайёргарлик ўзгача бўлди. Касаба уюшмалари бу йилги Наврўзда айникса, хайрия тадбирларини кўпайтириш, кўнгли ўксик инсонларни кўллаб-қувватлаш, кўмакталабларга саховат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратяпти.

Жорий йилимизнинг «Қарияларни қадрлаш йили» эканлигидан келиб чиққан ҳолда табарруқ инсонлар — мунис муътабар отахон ва онахонларни йўқлаш, совға-саломлар тақдим этиш, меҳнат фахрийларига иззат-икром кўрсатиш Наврўз тадбирлари дастуридан кенг ўрин олди.

Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси ҳам байрам тадбирлари дастурини ишлаб чиқиб, хусусан, Қоракалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар тармоқ кўмиталарининг миллий байрамимизни муносиб нишонлашларида кўмак бермоқда. Шу боис

саларида ўзини кўрсатган касаба уюшма аъзолари киритилди. Касаба уюшмалари маъмурият билан ҳамкорликда улардан ўз ёрдамларини аямаллар. Барча туманлардаги тармоқ ташкилотларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳамда мактаб ва мактабдан ташқари ўқув муассасаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш,

ўқув юртларида ўтказилган «Саломатлик» спорт мусобақалари голиблари ҳам байрам арафасида тантанали равишда тақдирландилар. Шунингдек, байрам кунлари миллий кураш, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси соврини учун кичик футбол мусобақалари ўтказиш режалаштирилди.

Бундан ташқари Халқ

ни Самарқанд шаҳрига саёҳатга олиб бориш мўлжалланган.

Хоразм вилоят тармоқ кўмитаси ҳамда унинг тасарруфидога қуйи касаба уюшма ташкилотлари ҳам «Наврўз» умумхалқ байрамига махсус тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. Унга мувофиқ вилоятдаги барча таълим муассасаларида комиссиялар тузилиб, тадбирлар белгиланди. Яқна-ёлғиз қариялар, ногирон кексалар, боқувчисини йўқотган болалар ҳолидан хабар олиш, уларга меҳру муҳаббат ҳамда саховат кўрсатиш ишлари бошлаб юборилди. Шу боис айни пайтларда ташкилотларда сумалак сайллари, бадийий ҳаваасорлик жамоаларининг чиқишлари, турли кўрик-танловлар, қизиқари учрашувлар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Худудларда мазкур тадбирларни ташкил этишда касаба уюшма аъзоларининг фаол иштирок этиётгани таҳсинга сазовордир.

(Давоми 2-бетда).

БАХТИНГ БОР ДЕБ, ЭСАДИ ЕЛЛАР!

бугунгача вилоят тармоқ кўмиталарида кўллаб хайрли ва ибратли ишлар амалга оширилди.

Масалан, Тошкент шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кўмитасида махсус ишчи гуруҳи тузилди. Кўмита таркибига барча бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг меҳнат ва ўқув жамоаларида, маданият ва спорт муассас-

атрфнинг санитар ҳолатини яхшилаш, тозалик тадбирларини уюштириш, уруш ва меҳнат фахрийлари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, кам таъминланганлар, етим-есирлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ишлари давом этди. Тармоқдаги олий

таълими тузимда кўп йиллардан бўён ёшларга сабоқ бериб, ўрнатқилган 300 нафар фахрий байрам дастурхонига тақдир этилиб, уларга совға-саломлар топширилади. Шу мақсадларга бир миллион сўмликдан зиёд маблағ ажратилган. Шу билан биргаликда ҳозирда олий ўқув юртларида меҳнат қилаётган 250 нафар фахрийлар-



СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ

Навоий вилоят «Оби ҳаёт ЛТД» қорхонаси Қизилқум яйловларига сув чиқариш, чўпон-чўлиқларга тоза ичимлик суви етказиб бериш билан шуғулланади. Улар Наврўз байрами арафасида Нурота туманидаги Алишер Навоий ҳамда Файзулла Хўжаев номидаги ширкат ҳўжаликлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлади. Бунинг учун қарийб икки километрли қувур ётқизилди.

Шунингдек, Нурота, Навоий, Қизилтепа туманларида ҳам ичимлик суви таъминотини яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Нурота ва Хатирчи туманларидаги касб-хунар коллежларига ичимлик суви етказиб берилди. Қорхона жамоси Қонимех туманидаги «Абай», Томди туманидаги «Бирлик», Нурота туманидаги «Фозгон» ширкат ҳўжаликларида янги қудуқлар қазиб, чўпон-чўлиқлар оғирини ёнғил қилди.

Ҳозирда Айдарқўл сувини чўлга оқизиш, Нурота туманининг Ф.Хўжаев, Алишер Навоий номидаги, «Ўзбекистон», «Қизилча», «Нурота» ширкат ҳўжаликларида янги ерлар ўзлаштирилмоқда. Утган икки ярим ойда бу ерда икки километрли канал қазилди. 200 гектар ер ўзлаштирилиб, сув билан таъминланди.

(Ўза).

ЗАМИН МЕХРИ

Кабулхонада кўп болали она Хаитхон опа Усмонова кўриниши билан раис дарҳол унга пешов чиқди. Тўрдан жой бериб, бир пиёла чай узатди.

Онахон ўзи истиқомат қилаётган «Сарой» қишлоғидаги муаммоларга тўхтади. Газ, тоза ичимлик сув таъминотидаги узиллишлар, айниқса, шифохона йўқлигидан қишлоқ аҳоли сарсон бўлаётганлиги ҳақида куюниб гапирди. Раис эътирозларни эътироф этган ҳолда бу борада ҳокимлик билан маслаҳатлашишни айтди. Хаитхон опа унинг ёрдамга тайёрлигини сезиб кўнгли тоғдек кўтарилди.



Онахон ўзи истиқомат қилаётган «Сарой» қишлоғидаги муаммоларга тўхтади.

Олтинкўл туман ҳокимлиги ҳам «Намуна» ширкат ҳўжалиги саркорининг маҳаллада сихатгоҳ қуриш ҳақидаги таклифини мақкуллади. Лойиҳалаш, таъмирлаш ва монтаж ишларини ташкил қилувчи мутасаддилар, ҳомийлар белгиланди.

Шифохона қисқа муддатда фойдаланишга топширилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. 5 та тахшис кўйиш, 6 та жарроҳлик амалиёти бўлимлари, бир кеча-кундузда 60 нафар беморнинг дардига дармон бўладиган тез ёрдам гуруҳи аҳолига тиббий хизмат кўрсата бошлади.

Наврўз байрами арафасида қишлоқ, маҳалла, турар-жойларни ободонлаштириш ишлари қўлама анча кенгайди. Хонадонларга қўшимча 4 километри газ, 3 километри ичимлик суви қувурлари тортилди. 2 та маҳалла гузари иш бошлади. Уларнинг қошида фаолият юритаётган оталар чўйхонаси, сартарошхона, лойабзал устахонаси сингари маиший

қонунияти шундай. Ерни алдаган ўзини алдайди. Ижарачи Асалхон Расулова билан Собиржон Қодировлар бир ариқдан сув ичадилар. Тупроғи, ери бир хил. Асалхон ёзининг чилласида жикка терга ботиб сувчилари билан эгат санайди. Кузакда оиласи билан пахта териб кунига 30 минг сўм даромад қилган кунлари бўлди. Гектаридан 66 центердан хирмон кўтарди. Ён қўшниси Собиржон эса аранг 32 центерлик маррага етиб, ер чизиб қолди. Тўғрироғи, 345 минг сўмлик харажат қилиб, 395 минг сўмлик даромад эгаси бўлди. Фойда бор йўғи 60 минг сўм!

Ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини қамолатлаш, сихат-саломатлигини мустаҳкамлаш, имтиёзлардан фойдаланиш, меҳнат муҳофазасида маъмурият билан қасаба уюшмаси яқдил ва ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда.

— Бу борада жамоа шартномаси катта аҳамият касб этмоқда, — дейди қасаба уюшма кўмитасининг раиси Нурбек Абдуллаев — Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан фахрийлардан 15 нафари сихатгоҳларда бепул дам олдилар. Олийгоҳ ва ўрта ўқув юртиларида 3 талаба ширкат хисобидан билим олмақда. Ҳайит ва бошқа байрамларда 20 та эҳтиёжманд оилга 200 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тارقатилди. Наврўз байрамида 50 нафар илгорни совға-салом билан рағбатлантиришни режалаштирганими.

Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек уруғ, минерал ўғит, ёниғи таъминоти ширкат зиммасида. Ижарачи эса шартномадаги маҳсулотни етказиб бериши ҳам фарз ҳам қарз. Ортиқчаси эса ўзига қолади. Ижарачи Сиёсатхон Абдуллаева гектаридан 79,5 центнердан галла янчиб дастурхони нонга, омбори донга тўлди.

Тер тўккан, зар тўқади. Чунки бозор иқтисодиётининг



Касаба уюшма тадбири

БОЛА КУЛСА...

Саховат кўнгил мулки. Халқимизга хос бўлган бу қадимий, миллий қадриятимиз айниқса, Наврўз айёмида кўнгиллардан кўнгилларга кўчади. Бу кунларда инсонлар бир-бирларига фақат яхшилик истадилар, мурувват кўрсатадилар, аразлашганлар ярашади, гиналар унутилиб, меҳр-оқибат ришталари боғланади.

Инсонга наф келтиришни олий бахт деб билган қасаба уюшмалари ҳам қатор саовбли ишларни амалга оширмоқдалар. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, Мурувват уйларидаги қариялар улар эътиборидан четга қолмаётлар.

Куни кеча Тошкент вилоят қасаба уюшмалари Кенгаши вилоят соғлиқни сақлаш ҳодимлари қасаба уюшма кўмитаси билан биргалликда Қибрай туманидаги Рухий-анамал гўдақлар уйида хайрия тадбирини ўтказди. Кенгаш томонидан бу масканда тарбияланаётган 6 нафар болажоннинг суннат тўйи муносабати билан 300 минг сўмликка яқин бежирим кийим-бош, қирқ дона кўрпача, тўхтақ жилдлари тўплами, бошқа совға-саломлар инъом этилди.

— Ушбу тадбирни ташкил этишдан мақсадимиз бу ерда тарбия топаётган болажонларнинг кўнглини оз

бўлса-да хушнуд этиб, баҳорий илиқлик олиб киришдир, — дейди вилоят қасаба уюшмалари Кенгаши раиси Муҳайё Тўлаганова. — Меҳр кўзда дейишади. Уларга бу арзимас совғаларни ўз қўлимиз билан топширар эканмиз, ўғил-қизларнинг кўзларида порлаган қувонч бизнинг ҳам кўнглимизни ёритди. Чунки, бола кулса — олам қулади. Бугунги кунда мухтарам Президентимиз, болажон халқимиз, инсонларвар давлатимиз фарзандларимиз учун зарур барча шарт-шароитларни яратиб, катта меҳрибонлик кўрсатмоқда. Зеро, гўдақларга бахшида меҳр албатта ўз

меवासини бергай. Хайрия тадбирлари Окқўрғон туманидаги 78-мактаб интернатида давом этди. Вилоят кенгаши ҳамда таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси вилоят кўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирда ҳам 16 нафар болакайнинг суннат тўйлари нишонланди. Мактаб интернати ўқувчиларига 345 минг сўмлик спорт кийимлари, бадий адабиётлар, гилам-поёндозлар ҳадя этилди.

Наврўз тантаналари вилоятнинг бошқа туманларида ҳам давом этмоқда. **И. ХАСАНОВ олган суратлар.**

ХАЙРИЯ ЁРДАМИ

Наврўз байрами арафасида Ўзбекистон Халқ табибати академияси томонидан Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига 5 миллион 400 минг сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди. Мазкур ёрдам туфайли пойтахтимиздаги барча болалар шифохоналари, диспансер ва сихатгоҳлар дароволчи, шифобахш хусусиятга эга бўлган гигиеник восита билан таъминланди.

ШИФО МАСКАНИ

Андижон вилоятида тез тиббий ёрдам бўлимлари сони яна биттага кўпайди. Энди вилоятда тўққизта бундай тиббий муассаса бор. Наврўз байрами арафасида Булоқбоши туманида мазкур янги шифо маскани очилди. — Ушбу муассасанинг лойиҳавий қиймати 130 миллион сўмга тенг, — дейди туман ҳокими ўринбосари А.Тожиматов. — Мазкур бўлим хашар йўли билан барпо этилди. Хўжаликлар маҳаллий бюджетга 53 миллион сўм ажратди. Қолган маблағлар хомийлардан келиб тушди. (ЎзА).

Воҳа табиатида ўзига хослик бор. Оёқ боссанг тўпиқча лойга ботадиган дала бир кунда уруғ қадаш ҳолатига келади. Умид билан қадалган ниҳол куртақлайди-ю, ёмғирдан тупроқ тарашмадек қотиб қолиши ҳам мумкин. Чўл баҳори ана шундай инжиқ. Фақатгина бободоҳон ўз тажрибаси, маҳорати, қолаверса сидқидилдан қилинган меҳнати, шижоати билан чўлларино боғу бўстонга айлантиради. Бугун Сирдарё вилоятида 3360 гектардан ошқ ўрмонзор, 12242 гектарга яқин боғ ва узумзорлар мавжуд. Чўлни бўстонга айлантириш ниятида ҳар йили қарийб 700 гектарга яқин теракзор ва бошқа ёғочбоп дарахт кўчатлари ўтказилмоқда. Гулистон ва Янгиер шаҳарларини боғловчи автомобиль йўли ёқасида 30 гектарлик яшил белбоғ барпо этилади. Бу юмушга барча таш-

килот ва корхоналар муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бир мисол. «Сирдарёавтотўй» бирлашмаси жамоаси йўл ёқаларига ўн мингдан ортиқ мевали, манзарали кўчатларни ўтказиб уларни беҳато ундиришга эришмоқда. Гулистон— Мирзачўл автотўйлидаги мўъжазгина ашил

ДАЛАЛАРДА, БОҒЛАРДА БАҲОР

Баҳор уйғониш фасли. Бу чоғда маҳалла-ю гузарларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ариқ ва зовурларни тазалаш, ободончилиги, орасталликка алоҳида эътибор қаратилади. Бугун 300 дан ошқ маҳаллада ободончилик хашарлари авж паллага кирди. Энг обод ва саришта маҳалла, кўча, хонадон

боев. — Бу кўчатларни амал олиб дарахт шаклига киргунча парваришлаймиз. Вилоятда ҳайвонот оламини асраш, кўпайтиришга ҳам эътибор берилмоқда. Айни дамда 300 дан ошқ турли қушлар қайд этилган. Уларнинг 150 тури воҳада уричб кўпаяётгани кузатилмоқда.

ШУКУҲ

номини олиш иштиёқида бўлганлар кўп. — Маҳалламиз орасталлиги билан ҳамшаҳарларимиз эътиборига тушган, — дейди Гулистон шаҳар Фарҳод маҳалласи оқсоқоли Мухтор ака Маматкулов. — Кўчаларни кўкаламзорлаштириш, ариқ ва йўлақларни тазалаш, маҳаллани ободонлаштириш каби юмушларни аллақачон поёнига етказиб қўйдик. Чўл баҳори ана шундай серзавқ, сермеҳнат бошланади. Меҳнати, фидойилиги билан чўлни бўстонга айлантираётган сирдарёликлар эса қалдирғоч қанотида, саболар баётида, қариялар дуоларида келган баҳорни хуш кайфият, эзгу ниятлар билан қаршиламолдалар.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

БАХТИНГ БОР ДЕБ, ЭСАДИ ЕЛЛАР!

(Боши 1-бетда).

Наврўз — саховат айёми ҳамдир. Қасаба уюшмалари шу боис Хива шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланаётган болажонларга ранг-баранг совғалар ҳадя қилиб, кўнглироқ театри томошаларини ташкил этди. Урганч шаҳридаги 94-мактаб — интернатда ўтказилган байрам тадбирларига вилоят қасаба уюшма кўмитаси бюджетидан маблағ ажратилиб, ўғил-қизлар кўнглини хушнуд этувчи қизиқарли томошалар уюштирилди.

Самарқанд вилоят тармоқ кўмитаси томонидан амалга оширилган тадбирлар ўзига хос маъно касб этмоқда. Вилоят бўйлаб ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кенг қўлама давом этмоқда. Бетоблар, ногирон инсонлар йўқлиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш каби саовбли ишлар амалга оширилмоқда. Самарқанд Давлат Чет тиллар институтида эса байрамга бағишлаб факультетлараро деворий га-

зеталар танлови ва спорт мусобақалари ўтказилди. Таниқли мўйқалам соҳибни Саид Солиев ва унинг шогирди — ёш рассом Азиз Элмуродовларнинг «Устоз ва шогирд» ижодий ишлари кўргазмаси очилди. Самарқанд Давлат архитектура - қурилиш институтида кўкаламзорлаштириш ҳафталиги, сумалак сайли ўтказилди. Талабалар ўртасида миллий кураш, шахмат, шашка, тош кўтариш каби спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Айниқса, тантанали тадбирда институтнинг «Улғубек юлдузлари» дастаси намоиш этган концерт дастури барча иштирокчиларни хушнуд этди.

Бу каби байрам тадбирлари Самарқанд Давлат университетини, Кооператив институтини, ўрта махсус ўқув юртилари, халқ таълими тизимидаги муассасаларда ҳам юқори савияда давом этмоқда. Уларга қасаба уюшмалари бош-қош бўлмоқдалар. Сурхондарё вилоят тармоқ кўмитаси ходимлари ҳам Наврўзни

ўта кўтаринки руҳда кутиб олмақдалар. Вилоятда шу муносабат билан жуда катта қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бу йилги Наврўз айёми Сурхондарёда Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйи тантаналари нишонланиши билан алоҳида уйғунлик касб этди. Бу ишларда қасаба уюшмалари фаол қатнашмоқдалар. Улар янги боғлар, гулзорлар яратдилар. Таълим тизимида кўп йиллар давомида халот ва самарали меҳнат қилиб, айни кунда кексалик гапшини сураётган устоз мураббийлар, меҳнат фахрийлари бир пиёла чай устиди-га «Уч авлод учрашувига таклиф этилдилар. Уларга қимматбахо эсдалик совғаларни топширилди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ва тармоқ Марказий кўмиталари бундан кейин ҳам бундай ибратли ва саовбли ишларни давом эттиришга қарор қилди. **Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» муҳбири.**



Кўтлуг байрамимизни кўтаринки руҳда муносиб нишонлаш учун пойтахт қасаба уюшмалари Кенгашида тадбирлар ишлаб чиқилиб, раёсат йиғилишида тасдиқланди. Унга қўра, меҳнат ва ўқув жамоаларида Наврўзга тайёрлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича Тошкент шаҳар кўриги эълон қилинди.

Аҳолининг, айниқса, кексаларнинг истақлари инобатга олинган ҳолда ташкил этилаётган байрам тадбирларида дўстлик, миллатлар тотувлиги, ҳамкорлик, меҳр-оқибат каби умуминсоний қасиқатларни ўзда намён этган аъёнларга кенг ўрин бериляпти. Меҳнат фахрийлари, меҳрибонлик уйлари, боқувчисиз хонадонлар, кўп болали оилалардан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмаклашиш сингари саовбли ишлар амалга оширилади. Меҳнат ва уруш фахрийлари, ишлаб чиқарувчилар, маданият ва санъат арбоблари билан учрашувлар ташкил этиляпти, миллий урф-одатлар, аъёнлар ва қадриятларни

БАЙРАМ ШАРАФИГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

қайта тиклашга бағишланган давра сўхбатлари, уюштириляпти. Эндиликда халқ сайллари ва ўйинлари, санъат усталари, хаваскорлар, асқиячилар ва дорбозларнинг чиқишлари, полвонларнинг беллашуви, от спорти ўйинлари, пойғалар уюштирилади. Саовд ва умумий овқатланиш хизмати йўлга қўйляди, сумалак, ҳалим каби баҳорий таомлар тайёрлянади. Меҳнат ва ўқув жамоалари-

нинг худудлари, мавзе ва дарахалар, қабристонлар ободонлаштирилади, далалар ва зовурларда кўкламги ишлар амалга ошириляпти, шаҳри азиям Тошкент анида чирий оқнади. Умумхалқ байрамига тайёр-

нинг худудлари, мавзе ва дарахалар, қабристонлар ободонлаштирилади, далалар ва зовурларда кўкламги ишлар амалга ошириляпти, шаҳри азиям Тошкент анида чирий оқнади. Умумхалқ байрамига тайёр-

Инсон азиз

нинг «Камалак» ва «Тошшаҳарманшайхизматушма» асоқсияциясининг «Меҳржон» оромгоҳлари неғизда 520 нафар мактаб ўқувчиларини соғломлаштириляпти. Баҳор кунларида «Алгоритм» акциядорлик жамиятининг «Семурғ», «Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик жамиятининг «Саломатлик» санаторий-профилакторийларида ишчи-хизматчи аёллардан 180 нафарини ўз фарзандлари билан биргалликда соғломлаштириш ташкил этиляпти. Йўлланмалар аёлларга қасаба уюшма аъзолари учун белгиланган имтиёзлар меъёрида, уларнинг фарзандларига эса бепул берилляпти. **Улғубек ПУЛАТОВ, Тошкент шаҳар қасаба уюшма Кенгашининг етакчи мутахассиси.**

500 ТА ИШ ЎРНИ

Наврўз айёми арафасида Жиззах шаҳридаги собиқ 1-қурилиш ашёлари комбинатининг 1-корхонаси ўрнида «АДАШ ипағи» Ўзбекистон-Вьетнам қўшма корхонаси ташкил топди. Мазкур қўшма корхонага Самарқанддаги «Дамир» хусусий илмий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари, техника фанлари номзоди Абдуҳабиб Азимов асос солди. «Дамир» — ишлаб чиқариш корхоналарининг молиявий имкониятини ўрганиб, уларнинг чет ва маҳаллий сарможалар билан таъминланиши, экспортбоғ маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан шуғулланади. Мазкур фирма айни чоғда Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах вилоятларида фаол иш олиб бораляпти. Фирма 17 тадан ортиқ илмий ихтироларга эга бўлиб, уларни ҳаётга тадбиқ этиш борасида иш олиб бор-

Совға

моқда. Хусусан, Жиззахда республикада ягона ўтга чидамли гипс ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Оқоридидаги корхона вилоятда етиштириляётган пилла ҳосилтини қайта ишлаш билан шуғулланади. Корхона жамғарма маблағи ҳозирча 210 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг юз фоизи экспортга мўлжалланмоқда. У тўла қувват билан ишлагач, 500 нафардан зиёд хотин-қизлар доимий иш билан таъминланадилар. **ШУНДАЙ БОҒКИ...** Республика Қизил Ярим Ой жамиятининг Жиззах вилоят Кенгаши Халқаро Қизил Хоч ва ҚЯОЖ Миллий Кенгаши ёрдамида Фаллаорол туманининг фавқулодда вазиятлар содир этилиши мумкин бўлган худудларида боғ барпо этишга киришди. Туман ҳокимлиги кўмағида 5 гектар ер майдони ажратилди. Ҳозиргина ана шу майдонга 10.150 туп мевали ва манзарали дарахт

Равон йўл, обод кўча

«Наврўз — экология ва саломатлик» ширини остида ўтказилган шанбаликлар Зарбдор туманида ҳам зўр кўтаринкилик тарзида ўтди. Туман марказига 1000 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Эътиборлиси шундаки, «Пахтакор-Янгиер», «Пишағор-Зарбдор» автомобиль йўлининг туман марказидан ўтадиган қисми икки қаторли транспорт харакатланадиган қилиб тўлиғича таъмирланди. Бир пайтнинг ўзида йўл четлари ободонлаштирилиб, кўчатлар ўтказилди, йўл белгилари билан биргалликда тунги ёриткичлар ўрнатилди. Бу ишларни амалга оширишда Зомин, Зарбдор туман автокорхоналари жамоалари ҳиссаси катта бўлди. **Ж.МАМАТКУЛОВ, А.АЗИМОВ.**

ЧУВИЛДОҚ

ҚИШЛОҒИ ОДАМЛАРИ

Теварак-атрофи туя ўрқачли баланд кир-адирлар, ям-яшил яйловларга бурканган дала-даштларнинг бугунги жамолига кўз боқиб тўймайди. Шишадек тиник осмон, муссаффо табиат, терилари тиллоий кўзи-чоқлар, уюр-уюр йилкилар ўтлаб юрган кенгликлар. Чўпон найининг ёқимли овози кишига хузур бағишлайди.

Кейинги икки йил мобайнида туманинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида айтишга арзири ўзгаришлар рўй берди. Шаҳар марказида янги бозор, кўплаб савдо, тиббиёт, маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари қад кўтарди.

Водийларни яёв кезганда

Бир юз элликдан ортиқ қишлоқни ўз ичига олган 22 та жамоа ширкат хўжаликлариде иқтисодий ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Жамоаси ғайрат кўрсатиб ишлаётган «Чиял» қишлоқ хўжалик кооператив ширкат хўжалиги яйловлариде 13 минг бошдан ортиқ кўй-кўзи боқиланти. Хўжалик ғаллакорлари 10 минг тонна дон, (шундан 2,5 минг тоннаси уруглик) етиштиришни мўлжаллаб туришибди.

Чияликлар миллий кадриятлар байрами Наврўзни кўтаринки кайфият билан қаршиламоқдалар. Мавжуд 28 та чўпон отарлариде кўзилашти қизгин. Абдуғаффор Каримов, Рўзикул Очилов, Олим Эшнӣёзов, Қаршибой Тўлаганов каби кўйчи-вонларнинг сурувлари ёйилиб кетган. Уймо-вот Азлартепа, Сарина яйловлариде жўшқин меҳнат кайфияти ҳукрон. Ғалла майсаларининг ҳам авжи ёмон эмас.

Ёгингарчилик мўл бўлса яйловларда табиий хашак кўпаяди, дейди хўжалик бошқаруви кенгаши раиси. — Бизнинг шароитда бир центнер яйлов ўти 60 озуқа берилигига тенг. Бу йил кўй-кўзилар учун тўйимли ва сервитамин кўнғирбош, читир, каврак, нўхатак, балиққўз, янтоқ, каррак, шувок каби ўсимликларнинг баравж ўсиши кутилмоқда. — Байрам олдидан

60 нафар уруш фахрийсига 300 минг сўмлик, кам таъминланган оилаларга 500 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатдик, — дейди хўжалик касаба уюшма кўмитаси раиси Худоев Эргашев. — Мактаб ўқувчиларига 500 минг сўмлик дарсликлар олиб берилди.

Чувилдоқ қишлоғидеги тадбиркорлар ҳам кам таъминланган оилаларга 600 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатдилар. Яна бир ибратли томони қишлоқ оқсоқоли Хасан Яллаев шахсий маблағи ҳисобига қариялар чойхонаси, новвойхона, сартарошхона, ҳаммом, енгил машиналарга техник хизмат кўрсатиш шохбачаси, бозорчадан иборат маҳалла гузари барпо этмоқда. Қарийб 1 гектарли майдонни эгаллаган бу мажмуа қурилишига 6 миллион сўмликдан зиёд маблағ кетди.

Олийхиммат тадбиркор бундан илгари 200 ўринли мактаб қуриб берган эди. Унинг ёрдами билан 2 километр йўл асфальтланди, иккита артезион қудуғи қазилди ва унинг суви-дан 6 минг нафар фуқаро баҳраманд бўляпти. Умумхалқ байрами олдидан кўкаламзорлаштириш ва ободончилик ишлари амалга оширилди. 10 минг тундан ортиқ мевали ва манзарали даррахт ниҳоллари экилди.

Мавжуд 15 қишлоқ байрамона кайфиятда. Дошқозонларда сумалак пиширилади, палов тарқатилади. Миллий кураш, кўпқари, футбол, волейбол, шахмат-шашка мусобақалари ўтказилади, таниқли санаткорлар ва халқ талантлари ижросида концертлар намойиш этилади.

— Юз мингдан ортиқ мевали ва манзарали даррахт кўчатлари ўтказилди, — дейди туман ҳокими Файзулла Ашуров.

Салим Жўраев номли ширкат хўжалигиде қишлоқ тиббиёт шохбачаси, 20 дан ортиқ савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари, «Наврўз» фермерлар уюшмасиде ёқилғи-мойлаш материаллари тарқатиш шохбачаси қуриб фойдаланишга топширилди. Ногиронлар, қариялар ва кам таъминланган оилаларга 5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 2001 йилнинг илк баҳорида иш бошлаган «Наврўз» фермерлар уюшмаси пахтачиликнинг ўзидан 17,5 миллион сўм соф фойда билан чиқди. Хўжаликда «Мўъжиза» МТП ширкатининг тузилиши ва ёқилғи тарқатиш корхонасининг ишга туширилиши фермерларга катта қулайлик яратди.

Ортада Наврўз нафаси. Эшпўлат чавандоз, Орзимурод Ирзаев, Жўракул Расулов каби чопогонлар, Ислом Тўраев, Холмўмин Авазов, Абдуразақ Мухаммадиев каби полвонлар белбоғларини маҳкам боғлаб даврага тушдилар. Зулфия момо Холбозорова, Мунаввара момо Ҳақбердиева, Тўлғон момо Ҳайдарова сингарии онахонлар сумалак қайнатишга киришдилар. Бугунги кунда Кўкдаланинг баҳмал майсали кенгликлари, Оқчо-ва ва Ҳайиткул қирлари, Ҳамид Олимжон номли ва «Пахтакор» ширкатларининг боғроғларида, Файзулла Хўжаев ва Аҳмад Яссавий номли хўжаликларнинг ям-яшил яйловлариде кўклам таровати хонадонлардан сумалак ва кўк сомсаларнинг ёқимли ҳиди таралади. Тўйхоналарда танбур навоси, доира ва кўшанақ садоси, давраларда тўкин дастурхон атрофида кекса авлод вакиллари билан учрашув ўтказилади.

Фафуржон ФАТТОНОВ, Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бўлим мудири.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.



БИР ПИЁЛА ЧОЙ БАҲОНА

Жаннатмакон ўлкамиз Наврўзи олам оғушида. Сурхон воҳасининг ҳам қай ерига борманг, даррахтларга ишлов бериш, навниҳоллар ўтказиш, ариқ-зовурларни тозалаш, ободончилик ишлари авжида. Хар бир маҳалланинг тантаналар ўтказилади-ган майдонлариде байрам кайфиятидаги кишиларнинг тайёргарлик юмушлари билан бандлиги гувоҳи бўласиз. Байрам куни кўнғилочар халқ ўйинлари намойиш этилиб, дошқозонларда сумалак, ош пиширилади. Хуллас, ота-боболаримиздан мерос қолган анъана, урф-одат ва удумлар билан ёшларимиз яна бир бора таништирилади.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳам Наврўзни муносиб қаршиламоқда. Пенсияонерлар, меҳнат қилаётган фахрийлар ҳамда кўмакка муҳтож отахону онахонлардан 150 нафарига эсдалик совғалари, пул мукофотлари берилади. Бундан ташқари Термиз шаҳридаги «Нуронийлар чойхонаси»да тўкин дастурхон атрофида кекса авлод вакиллари билан учрашув ўтказилади.

И.ХАСАНОВ олган сурат.



САХОВАТ - ҚАЛБ ГАВҲАРИ

Наврўз шодиёналарига алоҳида тараддуд кўришди. Хар бир маҳалла, гузар, ташкилот ва корхона, мактабу боғча, кўйинги, хар хонадонда ободончилик тадбирлари ўтказилди. Гулзорлар барпо этилиб, мевали ва манзарали даррахтлар бўй кўрсатди. Йўл четларидеги даррахтларга шакл берилди. Қаровчисини йўқотган оилаларга, қариялар хонадонларида ҳашарлар уюштирилиб, байрам олдидан таъмирлаш ишлари бажарилди. Наврўз муносабати билан уюштирилган ҳашардан ҳеч ким четда қолмади.

Юртбошимизнинг «Савоб ишни хар ким, хар куни қилмоғи ло-зим», деган сўзларига амал қилиб, «Сомоний» ҳиссадорлик деҳқон бозоримиз ҳудудида вилоят меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси ҳамкорлиғиде «Саховат-пешалар» масканини ташкил этдик.

Хар ким ихтиёрий равишда, дил амри билан бозорга олиб кетган маҳсулотии ёки пул маблағларидан умумий қиймати 66,766 миллион АҚШ долларига баҳоланаётган ушбу корхонага АҚШнинг «Вангард Супрем» ва Япониянинг «Охтори-Тручлер», «Хова», «Тойота», «Мурата» фирмаларидан келтирилган жиҳозлар ўрнатилмоқда. Мазкур кўшма корхонага Япония халқаро ҳамкорлик банки ускуналар сотиб олиш ва қурилиш-монтаж ишлари учун 47,479 миллион АҚШ доллари миқдориде кредит ажратган. «Оқсарой тўқимачи ЛТД» тўла қувват билан ишлаш бошлагач, йилга 20,9 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда экспортбон маҳсулот ишлаб чиқаради. 427 нафар йигит-қиз иш билан таъминланади. (ЎЗА).

КОМПЬЮТЕР БИЛАН, АНВАР!

Бухоро давлат университети қошидаги лицей-интернатнинг 11-синф ўқувчиси Анвар Ермухаммедов «Пентиум» компьютери билан мукофотланди.

Кимё - билимга чанқоқ Анварнинг жону дили. Унинг аълочи тенгқурларидан бир устунлиги бор. У назарини амалга билиёт билан боғлай олади. Яқинда республика Фан ва техника давлат кўмитасиде мамлакат академик лицейлари, касбухона коллежлари ва лицей-интернатлар иқтидорли ўқувчиларининг 1-илмий-амалий конференциясида унинг айнан шу жиҳати академик олимлар эътиборини тортди. Ўзига хос олимпиада бўлган бу анжуманининг биринчи шартига кўра Анвар кимё фани бўйича масалаларни қойилмақом ечди. Сўнг унинг «Бўёқ моддаларни қуюқлаштирувчи композиция яратиш» мавзусидаги реферати юқори баҳолалиб, биринчи ўринга муносиб топилди ва Анвар компьютер билан мукофотланди.

МУШТАК АНЪНА

Халқлар ўртасиде дўстликни мустаҳкамлаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар ривожиде юксак тафаккур соҳиблари ижоди беқисс аҳамиятга эга. Самарқанд давлат чет тиллар институтиде буюк шоир ва мутафаккир В.Гого таваллудининг 200 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Тошкент, Андижон, Навоий, Жиззах, Қарши ҳамда Самарқанддаги олий ўқув юртлари олимлари, ёзувчи ва шоирлар иштирок этди. Анжуман иштирокчилари буюк ёзувчининг серкира ижоди, Шарқ ва Ғарб адабиётидеги муштарак анъаналар, бугунги кунда юртимизда Гюго ижодини ўрганиш хусусиде сўз юритди. Анжуманда Франциянинг Ўзбекистондаги факултудда ва мухтор элчиси Жак Андре Костий иштирок этди.

ТАЖРИБА ОММАЛАШДИ


Мана, икки йилдикри, мамлакатимизда Европа Таълим жамғармасининг «Корхоналар ривожии учун таълим» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Унинг мақсади кичик ва ўрта бизнес корхоналариде таълимни ташкил қилишга ёрдам кўрсатишдир. Бухорода 18 март куни «Инсон ресурсларини бошқариш» мавзусиде семинар бўлиб ўтди. Европа Таълим жамғармаси билан Бухоро вилоят товар ишлаб чиқарувчилар тадбиркорлар палатаси ҳамда бозор кўнмачаларини ҳосил қилиш маркази унинг ташкилотчилари бўлди. Кичик ва ўрта бизнес эгалари, тадбиркор ва фермерлар учун кун мобайнида ходимларни лавозимларга қандай танлаш ва тарбиялаш борасиде ахборот олишди. Бозор кўнмачаларини ҳосил қилиш марказининг тажрибали мураббийлари энг замонавий усулларни қўллаб, иқтидорли тадбиркорларни танлаш ва иш билан таъминлаш юзасидан маълумотлар беришди. (ЎЗА).

ҚАРИЯЛАР СИҲАТГОҲИ

«Қарияларни кадрлаш йили» давлат дастурига асосан Қосонсой туманининг гўзал гўшасиде бунёд этилаётган «Қосонсой» меҳнат ва уруш фахрийлари сиҳатгоҳиде сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу сиҳатгоҳ аввалги ногиронлар уйи ўрнида қуриляпти. Таъмирлаш ва кўшимча бинолар қуриш учун ҳозирча 138 миллион сўм маблағ сарфланди. Миллий ва замонавий услубда қад кўтараётган бу биноларни «Тоҳир-шер», «Тарих», «Озод», «Зуҳал», «XXI-аср» каби хусусий қурилиш фирмалари қуришмоқда. Барча қулайликларга эга бўлган қариялар сиҳатгоҳини дастлаб 60 ўринли биринчи навбати ишга тушади. Йил охиригача яна 80 ўринли иккинчи босқичи ҳам қуриб битказилади. Сиҳатгоҳни «Хотира ва қадрлаш» куниде ишга тушириш мўлжалланаяпти.

«Туркистон-пресс»



Суратда: Конимех туманидаги 18-мактаб директори Али Тажибетов ўқитувчиларни Наврўз байрами билан табрикламоқда.

И.ХАСАНОВ олган сурат.

БИЗДАН ҚОЛАДИГАНИ ЯХШИЛИК

Навоий шаҳар ижтимоий таъминот бўлими Наврўз байрамиде ҳомий ташкилотлар билан биргаликда 150 нафарга яқин кексаларга совға-салом улашди. Нуронийларга атаб байрам дастурхони ёзди. — Ҳаётнинг паст-баландини кўп кўрган инсонларнинг кўнғилини ва дуосини олишга не етсин. Ҳисобимизда 11 минг 955 нафар пенсионер рўйхатда туради, — деди шаҳар ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Нуриддин Турдиев «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Утган йили улар 1 миллиард 401 миллион 370 минг сўм нафақа пули билан таъминланди. Қарияларни кадрлаш йилида ҳам кекса ва ногиронларнинг нафақа пулларини ўз вақтида уларнинг уйларига олиб беришга катта эътибор бериляпти.

ФАЙЗ ЁҒИЛГАН КҮН

Халқимизда «Қариси бор уйнинг париси бор» деган нақл бор. Чунки отахону онахонларимиз ёшларимизни эзгуликка, меҳр-оқибатга, яхшиликка ундаб, Ватанини севишга, сабр-тоқатли, саховатли бўлишга қорлайдилар. Шу боис уларни кадрлаш, ўғитларии панд-насихатларига риоя қилиш хар биримизнинг бурчимиздир. Бу борада Чортоқ туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний», «Маҳалла» хайрия жамғармалари ибратли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Туманда 15 минг 166 нафар меҳнат фахрийси истиқомат қилади. Бу ерда янги иш ўринлари асосан кичик ва кўшма корхоналар ташкил этиш, тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига яратилаяпти. Айни пайтда тадбиркорларнинг 294 нафари аёллардир. Ишбилармон хотин-қизларнинг саъй-ҳаракати туфайли ўтган йили 1700 нафар киши мўкин иш билан таъминланди. Бунда «Чортоқ ипағи» ишлаб чиқариш корхонаси, «Болажон» хусусий фирмаси, «Лидия» шўъба корхонаси, маҳаллаларда фаолият юритаётган тивувчилик цехларининг салмоқли улушлари бор.

Шундай савобли ишларга бош-қош бўлаётган саховатпеша тадбиркорлардан «Янгиобод» маҳалласиде атлас тўқиш цехи раҳбари Марҳабатхон Тўхтабоева кам таъминланган оилалар, тўй қилувчиларга маҳсулотини 50 фоиз арзон нархда сотса, новвой Мастураҳон Иноятова хизмат ҳақисиз нон ёпиб бераяпти, чевар Муқаддасхон Сотиболдиева эса кўп болали хонадонларнинг фарзандларини касб-корга бепул ўргатмоқда. Шунингдек, «Чигатой» маҳалласиде яшовчи тадбиркор Манзураҳон Мирзараҳимова

ёлғиз онахон Маъфиратхон Маъруфбоевани оталигига олган. «Бўлон» маҳаллалик Роқияхон Комилвановнинг 2 гектар боғи бўлиб, у ҳам кам таъминланган бир оилага бахти қудрат қарашиб турибди. Туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан маҳаллаларда ёшларнинг ҳуқуқий онғи, маданиятини ошириш, уларни баркамол, жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, мустақил ҳаётга тайёрлаш учун турли мавзуларда баҳс-мунозаралар, кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Тадбирларда фаол иштирок этаётган отахо-

Фурур

ну онахонларимиз фарзандларимизни ҳозирги тинч, осуда даврда шукроналик билан яшашга даъват этмоқдалар. Яқинда меҳнат фахрийларидан 120 нафар киши водийнинг табаррук қадамжолари-Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний мажмуаларини зиёрат қилишди. Ҳозирги кунда тумандаги барча корхона, ташкилот, ширкат хўжаликларии қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлариде аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қисминии қўллаб-қувватлаш, қарияларни кадрлаб, уларнинг дуоларини олиш учун кенг қўламли тадбирлар амалга ошириляпти. Эркин ТўЛАГАНОВ, меҳнат фахрийси. (ЎЗА).



СПОРТ АЪЛО КАЙФИЯТ ГАРОВИ

Касаба уюшма тадбири

Қарияларни қўриб ногохон қалбларимизда илиқ ҳиссиёт жўшади. Улардаги ҳаётий тажриба, меҳр-мурувват ҳамда саховат беихтиёр ўзига ром этди, ибрат олюкқа ундайди. Республика алоқа ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмитаси Наврўз байрами муносабати билан савобли ишга қўл урди. Тошкент шаҳар алоқа корхоналарининг фахрий ёшдаги ходимлари ўртасида спартакиада ташкил этди.

Мазкур спорт беллашувида 25 та корхонадан 70 дан зиёд фахрий қатнашди. Улар спортнинг стол тенниси, дартс ҳамда шахмат турлари бўйича кун синашди. Мусобақада Тошкент алоқа коллежи, Алоқа лойihalаштириш институти ва Ўзбекистон почтаси Давлат хўссадорлик компаниясининг спортчилари яхши натижаларга эришдилар. Энг муҳими, саломатлик ютди.

Спартакиада қатнашчилари ўз таассуротларини қуйидагича изоҳлашди.

Тўхтаўжа МАХМУДУЖАЕВ, Ўзбекистон телеком хўссадорлик компаниясининг етакчи мутахассиси:

— Ешилгимдан стол теннисига қизиқаман. Корхонамизда ўтказилган мусобақада шахар спартакиадасига йўланма олган эдим. Касбдошларимнинг ишончларини оқлаб, мана республика спартакиадасига қатнашиш шарафига муяссар бўлдим. Ниятим — келгуси босқичда ҳам муваффақиятли қатнашам.

Нина КОЛОТИЛИНА, республика радио-телевидение корхонаси ходими:

— Кейинги пайтларда тармок ходимлари ўртасида спорт мусобақалари тез-тез ўтказилаётгани айни муддаодир. Кўпчиликда шу ёшда ҳам спорт билан шугулланиш мумкин экан-да, деган савол туғилиши мумкин. Бу саволга мен: киши қайси ёшда бўлишидан қатъий назар спорт билан ошно бўлиши керак, деб жавоб берган бўлардим. Чунки спорт абжирлик, саломатлик ҳамда яхши кайфият гаровидир.

Ҳақиқатан ҳам фахрий спортчилар ўртасида спартакиада бахсларга бой бўлди. Дартс бўйича мусобақада эркаклар ўртасида голиблар Б.Покровскийга, аёллар ўртасида Н.Колотилинага, стол тенниси бўйича эса биринчи ўрин эркаклар ўртасида Т.Махмуджоевга, аёллар ўртасида эса И.Шеретёвага, шахмат бўйича А.Мироноваларга насиб этди.

Ғолиблар республика спартакиадасига йўланма олишди.

Н.РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири, Суратларда: ғолибларни тақдирлаш. И. ҲАСАНОВ олган суратлар.

СУМАЛАГИМ ҚОЗОНЛАРДА ҚАЙНАЙДИ

Учрашув

Ўзининг сеҳрли овозию сози билан эл орасида обрў-этибор топиб, халқимиз қалбидан чуқур жой олиб келаётган хонанда Қоракалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Уктам Аҳмедовни ким ҳам танимайди дейсиз. Унинг «Бир гап бўлар», «Ғариб ва Шохсанам», «Ўзбекистон боғларида», «Бундай яшаш ким учун керак» каби қатор кўшиқлари мухлислар қалбидан мустаҳкам жой олган. Хонанда репертуаридан жой олган яна бир кўшиқ борки, ўзига хос таърифу тавсифга, қолаверса, тарихга эга.

томони йўқ экан. Юқорида айтиб ўтганимдек концерт бериб турганимизда битта қизча келиб қўлимга илтимоснома ёзилган қоғозча тутқазиб кетди. Унда «Сиздан илтимос, сумалак тўғрисидаги ашулангизни айтиб берсангиз», деб ёзилган эди. Ажабландим. Ёнимдаги созандаларга бу ҳақда айтганимда улар ҳам қилиб қўйишди. Бизнинг ҳолатимизни залда ўтирган онахонлардан бири кузатиб ўтирган эканми, ўрнидан туриб:

— Уктамжон, сезиб турибман, айни куз палласида сумалак ҳақидаги кўшиқингизни сўрага-

Сумалагим қозонларда қайнайди.

Қора сочинг дарам-дарам

дорийсан,

Ёр йўлига эрта туриб қорийсан.

Ёр галмаса бевафо деб ўйлайсан,


Сумалагим қозонларда қайнайди.

— Ушбу кўшиқ нимаси биландир томошабинларни ўзига шундай жалб қилган эдики, мисрлар охирига етган бўлишига ҳам қарамасдан ҳамон унинг оҳангига жўр бўлиб ўтиришарди. Улар завқини кўриб, биринчи тўртликни яна бир бор такрорлаб, кўшиқнинг қуйиланиш муддатини биров узай-

Сумалагим қозонларда қайнайди, Ёрни гўрсам қаро кўзим ўйнайди. Кўнглим эса баҳор каби яйрайди, Сумалагим қозонларда қайнайди.

Халқ сўзи билан айтувчи «Сумалагим қозонларда қайнайди» кўшиғи ўз мухлислари эътиборига тақдим этилганига ҳам роппа-роса йигирма йил бўлибди. Сўзию ижро услуби қандай яратилган бўлса шу тарзда ижро этиб келинаётир. Мухлислар ҳамон илиқ қаршилаб олаётганидан ҳам билса бўладики, у ўз қадрини йўқотганича йўқ. Уктам Аҳмедовнинг ўзи бу ҳақда шундай ҳикоя қилади.

— Пахта йиғим-терими тугаган, деҳқонларимиз ўзларининг неча ойлаб қилган меҳнатлари сарҳисобини кўздан кечирадиган бир палла эди. Ана шундай кунларда халқимиз хизматида бўлиб, уларнинг дам олиб хордиқ чиқаришларига муносиб ҳисса қўшиш ниятида хизмат сафарига отландим. Деярли барча вилоятларда бўлдим. Маълумки, бундай пайтда томошабин талабини бажариш хонанданинг бурчи. Лекин, шундай кўшиқлар борки, уни ҳавола этишнинг ўз вақти, мавруди бўлади. Мен ҳам «Сумалагим қозонларда қайнайди» кўшиғини фақат баҳорда, Наврўз айёмларида қуйланадиган кўшиқ деб юрардим. Аммо мухлислар учун бунинг фаркли



нимизга хайрон бўлаёписиз. Бунга ҳечам ажабланмасдан айтаверинг, мен талаб қилиб ёзиб бергандим. Ҳозир куз бўлса баҳорни, Наврўзни кутиб ўтирасизми, айтаверинг, сочинганда эшитганга нима етсин, — деди онахон. Залдагилар ҳам маъқуллаб, гурра қарсақ чалиб юборишди.

Қулоқ солинг, ушбу айтган сўзларга, Сумалагим бағишладим сизларга. Пишган бўлса олиб келинг бизларга, Роза САЙДАХМЕДОВА.

тиргандим, — дейди Уктам Аҳмедов ўша гастрол сафарини эслаб. — Бошқа учрашувларимизда ҳам бир неча бор ана шунга ўхшаш ҳолатга дуч келганман.

Ажабо, кўшиқ ҳам, кўшиқчи ҳам бугун йигирма ёшга қарилган бўлса ҳамки ҳали ҳамон ўша оҳанг, ўша куй, ўша жозоба дилларни хушнуд этмокда, кўшиқнинг мухлислари янада ортса орткики, асло камайгани йўқ.

ФАСЛИ НАВБАҲОР ЎЛДИ...

Кун ҳамалга кирди эрса, келди олам наврўзи, Кечти баҳман замҳарир қиш қолмади қори, бузи.

Носириддин РАБҒУЗИЙ.

Баланд айлаб кўшга поя наврўз, Кўтарди ер юзидин соя наврўз, Келиб файзу нишоту айш бирла, Мухайё қилди элга воя наврўз.

ОГАҲИЙ.

ШАХСИЙ СТИПЕНДИЯ

Ўзбекистонда уяли алоқа бўйича тезкор хизмат кўрсатиш кўлами кенгайиб бормокда. Бунда «COSCOM» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси алоҳида ўрин тутмокда.

Қўшма корхона телекоммуникациялар бозорига ўзининг салмоқли ўрнига эга. Шу билан бирга у республикамизда малакали мутахассислар тайёрлаш ишига ҳам яқиндан ёрдам бермокда. Буни унинг Тошкент электротехника алоқа институти билан ҳамкорлиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Олий ўқув ортининг радио алоқа, радио эшиттириш ва телевидение кўрсатуви мутахассислиги талаба ва магистрантларига бераётган ёрдами самарали бўлаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

«COSCOM» қўшма корхонаси Наврўз байрами арафасида яна бир ҳиммат кўрсатди. Институт учун шахсий стипендия таъсис этди. Бундай имтиёзга иккидорли толиби илмлардан бир неча нафари эга бўлди.

Акбар АЛИЕВ.

КЎНГИЛ БОРКИ, ЭЗГУЛИККА ОШУФТА

Наврўз! Шафтоли гуллари кирмизи тус олиб, она замин гулу чечакларга бурканган ифори кунларда бу кутлуг айёмни қаршилаймиз. «Кутлуг кунда ғамга ботма. Уйнаб-қулиб юр. Ана шунда келгуси наврўзларгаям хушнудлик билан етгайсан» дейди донолар. Демакки, бу кунларда уйимизда яхши кайфият, теварак-атро-

фимизда соғлом муҳит яратсақки-на, орзу-умидларимиз буй кўрсатиб, эзгуликнинг йўллари узаявераркан. Наврўз — ҳосиятли айём. Унинг кўнгиллارга ёруғлик солувчи мўъжизалари кўп. Айём кунларида бизнинг тоза ни-ятларимиз билан боғлиқ ажойиб та-содиқларга ҳам дуч келамиз, баъ-зан.

ҚЎШНИЧИЛИК БУЗИЛМАСИН

Бу икки аёл бораликдан бирга ўсишганди. Та-содиқни қарангки, турмуш қурганларидан сўнг ҳам даримиз кўшни бўлиб қолишди. Узоқ қишлоққа узатилган мактабдошлари икковини тўйга чорлади. Кўшнилари иссиқ патирлар ёпиб, мевачева харид қилишди. Лекин, бирор кийимлик мато ҳам олиш-маси уят бўлар. Ахир нотаниш жой, қолаверса, қишлоқдошларининг хурмати. Шунда икки аёл ўзларига атаб олган қим-матбаҳо кийимликларни қозғога ўраб, дастурхонга солишди. Кийим кетса кетар, обрў кетмасин. Хуллас, тўй зўр ўтди. Икки кўшни кечлатиб тўйдан чиқишди. «Секин-аста ил-гарилрайверайлик, автобус ё машина учраса чи-қиб олармиз» деди уларнинг бири. Пою пиёда йўлга тушишди. Йўл-йўла-кай ҳалиги кийимликлар эсларига тушди. «Ўрнига нима солишдйкин? Ахир одатга кўра бирор жойга кийимлик оборсанг, уни олиб қолиб, ўрнига бош-қасини соладилар!» Шун-да иккалови йўл четига ўтиб дастурхонларни очишди. Қараша... Тўй ходимаси кўпмат бош қоти-риб ўтирмай, бу иккисининг матоларини бир-бириникига алмаштириб қўқолган экан.

—Ие, менинг қўйлақлигимни ўзимга бера қолинг, ҳавас қилиб олган-дим, — дейди Нигорахон.

— Дастурхонимга со-линган нарсани нега сиз-га беракманман? Энди бу меники бўлди-да, — дей-ди Гулсарахон бирдан терс қараб.

Хуллас, икки кўшни аразлашиб, йўлнинг икки томонига ўтиб олишди. Шундан кейин икки ховли ўртасидаги эшикка қулф

солинди. Гап йўқ, сўз йўқ, ҳазил-хузул хангомалар йўқ. ... Наврўз арафаси кун-ларига қулфлоглик дарча-ни кимдир чертади. Нигора-рахон тирқишдан қараса, кўшниси Гулсарахон ийма-ниб турибди, қўлида ўша кунги мато. Аёл ҳам югуриб уйга қаради, ўзининг ту-гунчагига солинган кийим-ликни кўзга қарди. Икки кўшни икки кўришаётиб, бир-бирларидан уэр сўрашди.

— Олинг, кийимлигингиз ўзингизга буюрсин, Нав-рўзга тикириб кийинг.

— Шу бир парча матохи-деб ўртоқчилигимиз ҳам, кўшничилигимиз ҳам бузи-лай деди-я!

Шу кунги икки қадрдон кўшни сўрида алламахалга-ча ширин сўхбатлашиб ўти-ришди.

ОНА СОҒИНЧИ

Бугун Хуриниса аянинг ту-ғилган кунини. Ҳар йилнинг шу кунини бу хонандон гавам-булар, фарзандлару набира-лар кулгуларга ён-атрофни тўндириб турарди. Лекин, бугун ховли жимжит. Аянинг ўзи эрталабданок ўғил, қиз-ларининг уйларига бирма-бир қўнғирок қилиб чиқди. «Ҳаво исиган кунни тўғил-шармиз, бугун келиб ўти-манглар» деди. Ахир нима қилсин, икки кундирки аёз аралаш совуқ. Қизларнинг қўлида ёш гўдақлари бор, келинлари оғироқ. Бундай ҳавода келишса, шамоллаб қолишди-ку.

Тўш пайтда кўш чарақ-лаб, совуқнинг тафти пасай-ди. «Келманглар деб айти-шим шартми?» дея ўз-ўзини койиди ая. Ахир, на-бираларини қачондан бери соғинган, кундузлари бора-й деса ҳаммаси боғчаю мак-табда, кечқурунлари бора-й деса уйга қайтишини ўйла-ди. Ишдан чарчаб келган ўғиллари, кўёвларини овера қилгиси келмайди. Балки катта набираси дарсдан чи-қиб, бирор келиб кетар... Кампир шуни ўйлаб, ошга уннади. Сомсанинг хаамири-

ни муштиради. Ёнларидаги бозорчага чиқиб иссиқ, жиззали патирлар харид қилди. Шу заҳоти кўк юзи-ни қалин булут қоплаб, ша-мол турди. Ёмғир ёға бош-лади. Буни кўриб Хуриниса аянинг хуноби ошди. «Тавба, мен нега хафа бўлаёман ўзи? Ахир ба-хор ҳавоси шунча-да. Ўзи-мам худди гўдакка ўхшаб қолаёман, шекилли. Нима қилай, кексалик-да...»

Ёмғир шатирлаб қуяр, Хуриниса ая эса катта на-бирасини кутиб ха деб йўлга термуларди. Шу на-бираси доимо бувисига «Бизлар Наврўзни доимо бир кун аввал бошлаймиз, хўп ажойиб кунда туғилган-сиз-да!» деб қикирлаб ку-ларди. У кулгани сайин бу-висининг завқи келарди. Наҳот бугун набираси кел-мас? Бу ҳавода униям юборишмас... Худди шу топда дарвоза ортида ма-шина дудуллади. Хуриниса аянинг юраги орақиб тушди. Титроқ қўллари билан шошиб дарвозани очди. Дастлаб тўнғич на-бираси югуриб келиб, бу-висининг бағрига отилди. Машина ёнида эса қизу ку-ёвлари, ўғилу келинлари қулиб туришарди.

— Туғилган кунингиз билан табриклаймиз, она-жон!

— Раҳмат, раҳмат, бо-ларларим. Қани, тезроқ уйга қиринглар...

Хуриниса ая севинчи-дан терисига сигмай бо-рар, шу топда унинг хов-лисига осмондан ёмғир эмас, бир дунё бахт ёғаёт-гандек эди.

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Андижон вилоят Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси
Ҳотамжон ЮНУСЛИЙнинг бевақ вафот этганини муносабати билан барча тармок қўмиталари номидан марҳумнинг оила аъзоларига чукур таъзия ихор этди.

САЙЁР ДАРАХТЛАР

Қадимдан эркакларга уч ишни бажариш фарз саналган. Шулардан бири ниҳол ўтказишдир. Агар тарихга назар ташласак, эркаклар дарахт ўтказиш ишини ноқонуний равишда ўзлариники қилиб олишгани маълум бўлади.

Дарахт ўтказишни биринчи бўлиб аёллар бошлаган экан. Греklar худоси Артемида ов билан шуғулланган. Аммо у фақат овдагина эмас, боғдорчилик ишларида ҳам эркаклар билан бахшлашиб, ўсимликларнинг доривор эканлигини илк бор аниқлашган. Шу боис, бир қатор дориларни аёллар номи билан аташди.

Қадимда баъзи давлатлар ўз давлат тамгаларида гоҳ дарахтлар баргини, гоҳ ўсимликларни тасвирлашган. Баъзи элат ва халқлар ўз дарахтларини олти туридан у ёки бунисини рамз сифатида фойдаланишди.

Халқ табобатида ҳам дарахтлар муҳим ўрин тутган. Мисол учун ўрта Осиёда тут дарахти ҳосиятли ҳисобланган ва уни ота-боболаримиз кўпроқ экишган. Очарчилик йилларида ҳам тут пишигига етганлар тирик қолган. Тут дарахтини кесиш бахтсизлик саналади. Илгарилари оилада ўғил туғилса, яхши ният билан терак экишган.

Олимларнинг фикрича, дарахтлар ва ўсимликларда асаб тизими мавжуд. Улар ҳам инсонлардек ҳамма нарсани тушунаркан ва дунёни сезаркан. Бинобарин, тана - орқа мия, бутоқлари - 72 минг асаб торлари, етти хил ранги - баданнинг етти асосий маркази, барглар - ўпкасидир.

ЎША КУНЛАРНИНГ ЎТИБ КЕТГАНИ РОСТ БЎЛСИН

Ўтмишини эслаб

Одатда киш барча фасллар қатори уч ойни ташкил этади. Лекин у яна 10-15 кун сурилиши мумкин. Халқ орасида «садпок» деган ибора-нинг мавжудлиги шундан. Бу эса уч ой-лиқ кишга яна 10 кун қўшилиб, сўнгра ҳақиқий баҳор бошланганини билдиради.

Ешлик пайтларимда, ўтган асрнинг 30-йилларида Наврўзни бир-икки мавсум байрам қилганимиз ҳамон эсимда. Ўша кунларда биз — ёш болалар беҳад қуво-

ниб, янги кийимларимизни кийиб, сайларга борардик, дор ўйинларини, улоқларни микиқиб томоша қилардик. Кечаси билан ух-ламай, сумалак пишираётган оналаримиз атрофида парвона бўлардик. Шундай бе-ғубор байрамни нега тақиқлашганини то ҳануз тушунолмайман. Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўтган асрнинг 70-йилларида ўзим ишлаётган мактабда адабий кеча ташкил қилдим. Бу кечада Наврўз ва унинг моҳияти ҳақида сўз юритилди. Ўқувчилар

бу кутлуг кун ҳақида ашулалар айтиб, шеърлар ўқидилар. Адабий кеча жуда чиройли, мароқли ўтди. Бу тадбирдан катта-ю кичик — барча хурсанд бўлди. Лекин у юқоридагиларга ёқмай, «текшир-текшир» бошланди, мактаб маъмурияти билан мен қаттиқ жазоландик. Ўқитувчиликдан ҳайдалишимга бир баҳа қолди.

Шукрлар бўлсинки, барча миллий қадриятларимиз қайтадан гул очди. Эркинлигимиз боқий бўлсин!..
Соип МУҲАМЕДОВ.

ISHONCH
Муассис:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Босишга топшириш вақти - 21.00

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқсизда chop этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.